
Туман кенгаши сессияси МАСЪУЛЛАР АХБОРОТ БЕРИШДИ

Олтинчи чақириқ халқ депутатлари Ёзёвон тумани кенгашининг навбатдаги етмиш учинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни туман ҳокими, кенгаши раиси Дилшоджон Джалилов очди ва олиб борди.

Сессия ишида ҳоким ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, МФЙ раислари, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Кенгаш раиси иштирокчиларни сессия кун тартибига киритилган масалалар билан таништириди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан тўртта сектор раҳбарлари туман ҳокими Д.Джалилов, туман прокурори И.Ходжаев, ИИБ бошлиғи Д.Раҳмонов, ДСИ бошлиғи А.Ахуновнинг “Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, “Маҳаллабай ва фуқаробай” ишлаш тизими орқали “Темир”, “Аёллар”, “Ёшлар дафтари”дан чиқариш, бунда айниқса, аҳоли шу жумладан хотин-қизлар, ёшларни, бандлигини таъминлаш, ҳудудларни инфратузилмалари яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ишларни кучайтириш юзасидан 2023 йил I ярим йиллигига мўлжалланган “Йўл харитаси”нинг I чорак ижроси юзасидан” ахборотлари тингланди.Шунингдек, иқтисодиёт ва молия бўлими мудири С.Мирзаевнинг “2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш тўғрисида” ахборот берди.

Сессия кун тартибидаги масалалар депутатлар томонидан тасдиқланди.

Сессия туман ҳокимлигининг фейсбук саҳифаси орқали тўғридан-тўғри онлайн узатилди.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-04-27 18:15:04